
Расмий муносабат

Ижтимоий тармоқларда «Данғарада ҳоким ёрдамчилари ёппасига иш ташламоқчи» мазмунида тарқаган хабар юзасидан Данғара тумани ҳокимлиги қуидагиларни маълум қиласди.

Бугунги кунда Данғара туманида жами 46 та маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳоким ёрдамчиси фаолият олиб бормоқда. Ҳар бир ҳоким ёрдамчиси ўзига юклатилган функционал вазифаларни ўз вақтида бажариб келмоқда.

Шунингдек, фейк хабарга илова қилинган Агентлик директори имзоси билан кўрсатилган хабарноманинг кўтарилиган мавзууга алоқаси йўқ, онлайн тренинг шаклидаги семинарда ҳоким ёрдамчиларининг функционал вазифалари ижроси юзасидан тавсиялар берилган.

Ўрганишлар давоми ҳоким ёрдамчилари фаолияти давомида барча берилаётган топшириқларни сидқидилдан бажариб, ўзларига юклатилган вазифалардан ташқари юкламалар берилмаслиги, хизмат фаолияти ва иш вақтидан ташқари йиғилишларга жалб этилмаслиги, ижтимоий тармоқларда тарқаган хабар ёлғон эканлиги, хабарда ёзилган ҳолат ҳақиқатга мутлақо зид эканлиги, Президентимиз сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлаб, маҳаллабай ишлаш тизимида режадаги иш фаолиятини давом эттириб келишаётганлигини маълум қилишди.

2023-12-06 09:00:24